Биография

Маърифатхон Шоиноятова (1937-2003)



Маърифат Шоиноятова 1937 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Мактабни олтин медаль, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини имтиёзли диплом билан битирди.1965 йил аспирантурага қабул қилинди. Атоқли ўзбек тилшуноси, профессор А.Ғуломов раҳбарлигида “Ўзбек халқ шеваларида келишиклар” мавзусида номзодлик диссертациясини 1971 йилда ҳимоя қилди.

1966-75 йилларда Ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи вазифаларида ишлади. 1976 йилдан Таржима назарияси кафедрасига ўқитувчиликка ўтди. Доцент Маърифатхон Шоиноятова “Рус гуруҳларида ўзбек тили фани бўйича дастур” (1997), “Рус тилида таълим олувчи талабалар учун ўзбек тилидан назорат иши мавзулари”, “Ўзбек тили ва адабиёти фанидан маърузалар матни” (1998) рисолалари чоп этилган.

Асарлари:

1997 Рус гуруҳларида ўзбек тили фани бўйича дастур. – Тошкент., “Университет”.

1998 Рус тилида таълим олувчи талабалар учун ўзбек тилидан назорат иши мавзулари. - Тошкент., “Университет”

1999 Ўзбек тили. Рус гуруҳлари учун кўчирма матнлари. - Тошкент., “Университет”.

Ўзбек тили ва адабиёти фанидан маърузалар матни. - Тошкент., “Университет”

Copyright © 2022
All Rights Reserved.